

Маҳорат: Қаерни тақиллатишни билиш керак



11:30 / 04.12.2021 1606

Кеча кечқурун Мамдуҳ Удвон арабчага таржима қилган Гомернинг «Илиада» асарини ўқиётган эдим. Бир бўлим менинг эътиборимни тортди. Шунини улашмоқчиман. Гомер «Илиада» асарида шундай ёзади:

«Ўғлим! Мукофотларни қўлдан чиқармаслик учун ақлинг доимо маҳорат ва усталлик манбаси ила тўйинган ҳолда турсин. Ўз ишида моҳир бўлган дарахт кесувчи айни шу кучга эга бўлган, аммо тажрибаси йўқ бўлган инсондан анча моҳирдир. Кема капитани ўз маҳорати билан тез кетаётган улкан кемага қаттиқ шамол эсаётган пайтда ҳам ҳукмронлик қила олади. Маҳорати туфайли баъзи ҳайдовчилар бошқасидан ўзиб кетади. Ўзининг отига, аравасига ҳукмрон бўлмасдан туриб уларга ишонса ҳукмронликни йўқотиб йўл ҳодисасига учраши мумкин. Аммо фурсатни ғанимат биладиган киши гарчи сустр юрадиган отга минсада охири манзилига етиб олади»!

Эҳтимол тушунгандирсиз. Инсонлар қадимдан тажрибага аҳамият қаратишган. Демак, кучга эга бўлиш бошқа нарса, уни ишлата билиш бошқа нарса экан. Бир ишни қилиш учун қувватнинг ўзи етарли эмас экан. Кучнинг ёнида албатта тажриба ва маҳорат ҳам бўлиши лозим экан. Баъзи нарсаларни қилишда унчалик катта куч талаб қилинмайди. Марварид

ишлаб чиқариш учун молюска боқадиганлар молюскани тўғнағичнинг учи билан маҳоратни ишга солиб тешишади. Ўша тешикдан бир дона қум донасидан ташлашади. Молюска у қум донасини ўрай бошлайди. Марварид пайдо бўлади. Молюскани бир ёш бола ҳам тешиши мумкин. Аммо гап тешишда эмас. Гап қаерни, қандай ва қанча тешишдадир. Ана шунинг номи тажрибадир!

Бир ҳикоя бор. Нефть ташийдиган катта танкер денгизнинг ўртасида бузилиб қолади. Кеманинг эгалари энг моҳир муҳандисларни олиб келишади. Аммо фойда бермайди. Кема қимирламас эди. Шунда бир киши бир қари, тажрибали муҳандис борлигини айтади. Унинг бунақа кемаларни тузатишда тажрибаси катта экан. Кема соҳиблари у билан алоқага чиқишади. Қари муҳандис дарров етиб келади. Муҳандис кеманинг мотори олдига бориб уёқ-буёғини ушлаб кўра бошлайди. Кейин асбоблари турадиган саватдан битта болғачани олади. Болғача билан моторнинг бир жойига бир марта уради. Кейин кеманинг моторини ишга тушишларини айтади. Танкернинг мотори соат каби ишлай бошлайди. Кемадагилар ҳайратда қолишади. Қари муҳандисдан меҳнат ҳаққи қанча бўлишини сўрашганда уста 10000 доллар сўрайди. Шунда кема соҳиблари қари муҳандисга: 10000 доллар кўп пул-ку! Битта тақиллатганга ҳам шунча пул оласизми?!, дейишади. Ундан бунча маблағни нима учун сўраётганини қоғозга ёзиб беришини талаб қилишади. Қари муҳандис қоғозга шундай деб ёзади:

«Тақиллатишнинг нархи 1 доллар. Қаерни тақиллатишни билишнинг баҳоси 9999 доллар»!

Абдулқодир Полвонов тайёрлади